

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

20 декабрь 2017 й.г.

№ 1001

Тошкент ш. – г. Ташкент

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим  
қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хукукбузарликлар профилактикаси ва  
жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-  
тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон қарори)

Давлат хизматлари кўрсатишда фуқаролардан талаб этилаётган ахборотлар ва  
ҳужжатлар рўйхатини тубдан қисқартириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор**  
**килади:**

1. Қуйидаги тартиб белгилансин, унга кўра фуқароларга давлат хизматлари  
кўрсатиш жараёнида:

чет элдаги ҳаракатлар учун зарур бўлган, хорижий давлатлар органлари  
томонидан тасдиқланган ёки берилган ҳужжатларнинг, апостиль қўйиладиган ва  
белгиланган тартибда легаллаштириладиган, шунингдек, қонунда тўғридан-тўғри  
назарда тутилган ҳолатларда фақат ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари  
талаб этилади;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларнинг  
нусхалари олинади, улар давлат хизматлари кўрсатувчи орган томонидан  
тасдиқланади, асл нусхалари эса қайтариб берилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофиқ айрим  
қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий  
ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси  
Бош вазирининг ўринбосари – Молия вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 20 декабрдаги  
1001-сон қарорига  
илова

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 22 мартдаги 153-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 3-сон, 18-модда) билан тасдиқланган Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида Низомнинг 4-банди “б” кичик банди иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“таъсис шартномаси ва устав (нусхалари олиниб, асли қайтарилади)”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги 8-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 1-сон, 1-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши тартиби II бўлими 2-бандининг еттинчи хатбошидаги “вафот этганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг ёки суднинг шахсни бедарак йўқолган деб эътироф этиш ҳақидаги қарорининг нотариал тасдиқланган нусхасини” сўзлари “вафот этганлик тўғрисидаги гувоҳномани ёки суднинг шахсни бедарак йўқолган деб эътироф этиш ҳақидаги қарорини (нусхалари олиниб, асли қайтарилади)” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартиби 16-бандининг еттинчи хатбошидаги “вафот этганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг ёки суднинг шахсни бедарак йўқолган деб эътироф этиш ҳақидаги қарорининг нотариал тасдиқланган нусхасини” сўзлари “вафот этганлик тўғрисидаги гувоҳномани ёки суднинг шахсни бедарак йўқолган деб эътироф этиш ҳақидаги қарорини (нусхалари олиниб, асли қайтарилади)” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 майдаги 232-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 5-сон, 20-модда) билан тасдиқланган Кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун лойиҳаларни танлаб олиш ва хорижий кредитларни бериш тартибининг 19-банди еттинчи ва саккизинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ - гаров шартномаси нусхаси, агар у талаб қилинса;

- суғурта полислари нусхалари”.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 20 июндаги 263-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш қоидаларининг 2.5-бандида:

ўнинчи хатбошидаги “нотариал тартибда тасдиқланган ҳужжатлари нусхалари” сўзлари “ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади)” сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбошидаги “нотариал тартибда тасдиқланган” сўзлари чиқариб ташлансин;

йигирма иккинчи хатбошидаги “нотариал тартибда тасдиқланган ҳужжатлар нусхалари” сўзлари “ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади)” сўзлари билан алмаштирилсин;

йигирма олтинчи хатбошидан “нотариал тартибда тасдиқланган” сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 мартдаги 131-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 3-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тартиби тўғрисидаги Низомнинг 9-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9. Маданий бойликларнинг Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилиши ёки вақтинча олиб чиқилиши ҳуқуқини берувчи сертификат олиш учун (1 ва 1а-иловалар) уларнинг эгаси олдиндан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига белгиланган шаклдаги ёзма ариза (2-илова), олиб чиқиб кетиладиган ашёларнинг рўйхатини, шунингдек, ашёларнинг ўзини тақдим этиши шарт. Матбаа асарлари олиб чиқилиши учун рўйхат икки нусхада тақдим этилади (3-илова)”.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги 178-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 4-сон, 20-модда) билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги хорижий фуқароларга ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш учун рухсатномалар бериш, шунингдек, уларни доимий рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш бўйича махсус комиссиялар тўғрисида Намунавий низом 4-бандининг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“агар жараён оилаларнинг қайтадан кўшилиши билан боғлиқ бўлса, никоҳ тўғрисидаги ҳужжатлар ҳамда болаларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари (нусхалари олиниб, асли қайтарилади)”.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 4 октябрдаги 454-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 10-сон, 60-модда) билан тасдиқланган Уй-жойларни хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувиغا бериш ва уй-жой фондини сақлаш ва тузатиш масалаларида давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида Намунавий низомнинг 1.2-банди иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ширкатнинг юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (нусхаси олиниб, асли қайтарилади)”.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 7-сон, 42-модда) билан тасдиқланган Хорижий давлатларда илмий даража олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисида Низомнинг 1-иловасидаги Илмий даража дипломини нострификациялаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясига юбориладиган аттестация иши ҳужжатларининг рўйхати 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Илмий даража дипломи (нусхаси олиниб, асли қайтарилади)”.

**10.** Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 9-сон, 62-модда) билан тасдиқланган Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензия бериш тартиби тўғрисида Низом 4-бандининг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“меҳнат дафтарчалари (нусхаси олиниб, асли қайтарилади) ёки уларнинг ва асосий иш жойи бўйича штатдаги аудиторларни ушбу Низомда назарда тутилган штатдаги аудиторларнинг энг кам сонига тўғри келадиган миқдорда ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқларнинг иш жойидан тасдиқланган нусхалари”.

**11.** Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомнинг 9-бандида:

а) “а” кичик бандида:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“лицензия талабгорининг раҳбари ва бош бухгалтерининг суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланган малака талабларига мувофиқлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар – сўровнома, олий маълумот тўғрисидаги диплом ёхуд ваколатли давлат органининг хорижий таълим муассасасида олинган олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг эквивалентлигини эътироф этиш тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда меҳнат дафтарчаси (нусхалари олиниб, асли қайтарилади)”;

ўн учинчи ва ўн еттинчи хатбошиларидаги “нотариал тасдиқланган” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) “б” кичик бандининг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“лицензия талабгорининг раҳбари ва бош бухгалтерининг суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланган малака талабларига мувофиқлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар – сўровнома, олий маълумот тўғрисидаги диплом ёхуд ваколатли давлат органининг хорижий таълим муассасасида олинган олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг эквивалентлигини эътироф этиш тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда меҳнат дафтарчаси (нусхалари олиниб, асли қайтарилади)”.

**12.** Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 1-сон, 12-модда) билан тасдиқланган Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 30-бандида:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи – ўнинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи – тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**13.** Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 315-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низом 12-бандининг ўн учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларнинг муомалада бўлиши (сақлаш, бериш, сотиш, тайёрлаш, фойдаланиш, йўқ қилиш) соҳасидаги масъул ходим учун олий фармацевтика маълумоти тўғрисидаги диплом (нусхаси олиниб, асли қайтарилади) ҳамда уни лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйруқ нусхаси”.

**14.** Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 360-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 73-модда) билан тасдиқланган Аэропортларда ҳаво кемаларига ташиш ишлари билан боғлиқ хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомнинг 8-бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи – олтинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи – бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**15.** Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 ноябрдаги 479-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 107-модда) билан тасдиқланган Ветеринария фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомнинг 9-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“9. Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) лицензия бериш тўғрисида ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахс учун – юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами;

жисмоний шахс учун – фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари;

юридик ёки жисмоний шахс амалга оширишни мўлжаллаётган ветеринария фаолияти ишлари турлари;

б) лицензияловчи орган томонидан лицензия бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

в) ҳудудий санитария-эпидемиология назорати органининг ветеринария фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган биноларнинг санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги тўғрисидаги ҳулосаси;

г) лицензия талабгорида ветеринария фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган мавжуд асбоб-ускуналар ва аппаратуралар рўйхати;

д) тегишли яқка тартибдаги тадбиркорнинг малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар (диплом, малака ошириш, ихтисослашувдан ўтиш тўғрисидаги ҳужжатлар, меҳнат дафтарчасининг нусхалари)”.

**16.** Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 2 августдаги 156-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида автотототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасаларини ҳисобга олиш, имтиҳонларга руҳсат бериш ва уларни ўтказиш, ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 45-банди “б” кичик бандидаги “нотариал идоралари томонидан тасдиқланган” сўзлари чиқариб ташлансин.

**17.** Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 январдаги 2-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 1-сон, 1-модда) билан тасдиқланган Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисидаги Низомда:

23-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда яқка тартибда уй-жой қуриш учун ариза берувчининг ер участкасига (доимий фойдаланиш, мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод эгалик қилиш, мулк эгаси) бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат (нусхаси олиниб, асли қайтарилади)”;

24-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1) реконструкция қилинадиган яқка тартибдаги уй-жойга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади)”.

**18.** Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 21 ноябрдаги 242-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 11-сон, 64-модда) билан тасдиқланган Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомнинг 9-бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи – еттинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи – олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**19.** Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги 244-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 11-сон, 65-модда) билан тасдиқланган Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисида Низом 11-бандининг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом ёки олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломдан кўчирма. Агар талабгор чет мамлакатларда таълим олган бўлса, чет мамлакатларда таълим олганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг ва ваколатли давлат органи томонидан берилган, таълим олганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг тан олинганлиги ёки эквивалентлиги қайд этилган гувоҳнома (нусхалари олиниб, асли қайтарилади)”.

**20.** Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 6-сон, 32-модда) билан тасдиқланган Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларининг 12-банди еттинчи хатбошидаги иккинчи жумла чиқариб ташлансин.

**21.** Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 июлдаги 161-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 7-сон, 38-модда) билан тасдиқланган Суд органлари сўровномаларига кўра баҳсли вазиятларда баҳоланувчи объектларни баҳолаш материалларини экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт комиссиясининг ишини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом 14-бандининг тўртинчи хатбошидаги “нотариал тасдиқланган” сўзлари чиқариб ташлансин.

**22.** Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 августдаги 169-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 8-сон, 42-модда) билан тасдиқланган Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 18-банди учинчи хатбошидаги “ва нотариал тасдиқланган нусхалари” сўзлари чиқариб ташлансин.

**23.** Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 30 октябрдаги 235-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 10-сон, 59-модда) билан тасдиқланган Ҳакамлик судлари ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги Низомда:

а) 6-бандда:

иккинчи хатбошидаги “гувоҳноманинг нотариус томонидан тасдиқланган нусхаси” сўзлари “гувоҳнома” деган сўз билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги “дипломларининг (олий юридик маълумоти бўлганда) нотариус томонидан тасдиқланган нусхалари” сўзлари “дипломлари (олий юридик маълумоти бўлганда)” сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги “дафтарчаларининг (мавжуд бўлганда) нотариус томонидан тасдиқланган нусхалари” сўзлари “дафтарчалари (мавжуд бўлганда)” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“Иккинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошиларда кўрсатилган ҳужжатлардан нусхалар олиниб, асли қайтариб берилади”;

б) 11-бандда:

бешинчи хатбошидаги “дипломларининг (олий юридик маълумоти бўлганда) нотариус томонидан тасдиқланган нусхалари” сўзлари “дипломлари (олий юридик маълумоти бўлганда)” сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги “дафтарчаларининг (мавжуд бўлганда) нотариус томонидан тасдиқланган нусхалари” сўзлари “дафтарчалари (мавжуд бўлганда)” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“Бешинчи ва олтинчи хатбошиларда кўрсатилган ҳужжатлардан нусхалар олиниб, асли қайтариб берилади”;

в) 14-бандда:

учинчи хатбошидаги “дипломларининг (олий юридик маълумоти бўлганда) нотариус томонидан тасдиқланган нусхалари” сўзлари “дипломлари (олий юридик маълумоти бўлганда)” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “дафтарчаларининг (мавжуд бўлганда) нотариус томонидан тасдиқланган нусхалари” сўзлари “дафтарчалари (мавжуд бўлганда)” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“Учинчи ва тўртинчи хатбошиларда кўрсатилган ҳужжатлардан нусхалар олиниб, асли қайтариб берилади”;

г) Низомга 1-иловада:

“нотариус томонидан тасдиқланган” сўзлари чиқариб ташлансин;

д) Низомга 3-иловадаги “нотариус томонидан тасдиқланган” сўзлари чиқариб ташлансин.

**24.** Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 3-сон, 18-модда) билан тасдиқланган Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомнинг 8-банди тўртинчи ва бешинчи хатбошидаги “нотариал тасдиқланган” сўзлари чиқариб ташлансин.

**25.** Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 апрелдаги 126-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низом 8-банди “е” кичик бандининг иккинчи хатбошидаги “(нотариал тасдиқланган)” сўзлари чиқариб ташлансин.

**26.** Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 6-сон, 51-модда) билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларида:

12-банднинг “в” кичик бандидаги “нотариал тасдиқланган” сўзлари чиқариб ташлансин;

34-банднинг саккизинчи хатбошидаги “нотариал тартибда тасдиқланган” сўзлари чиқариб ташлансин;

54-банднинг “в” кичик бандидаги “нотариал тасдиқланган” сўзлари чиқариб ташлансин;

4-иловадаги “нотариал тасдиқланган” сўзлари чиқариб ташлансин.

**27.** Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 октябрдаги 234-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 10-сон, 52-модда) билан тасдиқланган Пиротехника буюмларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низом 15-бандининг еттинчи хатбошидаги “нотариал тасдиқланган” сўзлари чиқариб ташлансин.

**28.** Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 ноябрдаги 244-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 11-сон, 56-модда) билан тасдиқланган Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом 9-бандининг “а” кичик бандидаги “нотариал тасдиқланган” сўзлари чиқариб ташлансин.

**29.** Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 декабрдаги 321-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 12-сон, 75-модда) билан тасдиқланган Давлат суд экспертларининг ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги Низом 24-бандининг бешинчи хатбошидаги “нотариал тасдиқланган” сўзлари чиқариб ташлансин.

**30.** Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 10 майдаги 129-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 5-сон, 31-модда) билан тасдиқланган Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомнинг 9-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9. Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) лицензия бериш тўғрисида ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади:

юримдик шахс учун — номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), хизмат кўрсатадиган банкнинг номи, банкдаги талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақами, муассисларининг (қатнашчиларининг) рўйхати, уларнинг манзиллари ва фаолияти турлари;

жисмоний шахс учун - фамилияси, исми, отасининг исми, паспортининг маълумотлари;

лицензия талабгори амалга оширишни мўлжаллаётган риэлторлик хизматларининг тури (турлари);

б) лицензияловчи орган томонидан лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси;

в) асосий иш жойи бўйича штатдаги риэлторларни ишга қабул қилиш тўғрисидаги меҳнат дафтарчаси ва буйруқларнинг юримдик шахс муҳри билан тасдиқланган нусхалари;

г) лицензия талабгори штатида турган ходимларнинг риэлторлар малака сертификатларининг юримдик шахс муҳри билан тасдиқланган нусхалари, жисмоний шахс учун — риэлтор малака сертификатининг нусхаси;

д) риэлторлик фаолиятининг тегишли турини амалга ошириш учун ушбу Низомда назарда тутилган миқдорда устав капиталининг тўлиқ шакллантирилганлигидан далолат берадиган ҳужжат нусхаси. Бунда риэлторлик хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган мол-мулкни киритиш ҳисобига устав капиталини пулсиз шаклда қисман ёки тўлиқ шакллантиришга йўл қўйилади;

е) кўрсатиладиган хизматлар сифатини назорат қилишнинг тасдиқланган ички коидалари нусхаси.

Ушбу банднинг “в”, “д”, “е” кичик бандлари талаблари лицензия талабгорлари бўлган жисмоний шахсларга татбиқ этилмайди”.

**31.** Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 июлдаги 200-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 7-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини ва 16 ёшга тўлмаган шахслар учун фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжатини бериш тартиби тўғрисидаги Низом 30-бандининг “в” кичик бандидаги “нотариал тасдиқланган” сўзлари чиқариб ташлансин.

**32.** Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 9-сон, 75-модда) билан тасдиқланган Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом 27-бандидаги “ёки нотариус” сўзлари чиқариб ташлансин.

**33.** Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар - Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” и 2012 йил 16 февралдаги 41-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 5-сон, 32-модда):

а) 1-иловада:

4-банднинг бешинчи – ўн тўртинчи хатбошилари қуйидаги мазмундаги етти хатбошидан иборат таҳрирда баён этилсин:

“турар жой учун ҳужжатларнинг нусхалари;

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

никоҳ тузилганлиги ёки болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларнинг, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликни тасдиқлайдиган ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

давлат ҳокимияти тегишли органи, давлат ва хўжалик бошқаруви органи, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилоти (кейинги ўринларда орган ва ташкилот деб аталади) раҳбарининг ишга таклиф этилаётган шахснинг (юқори малакали мутахассислар ва тор ихтисосдаги мутахассисларнинг) ишончилиги кафолати билан биргаликда илтимосномаси. Бунда ушбу Низом мақсадлари учун республика аҳамиятига молик давлат ташкилотлари деганда уларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан тартибга солинадиган давлат ташкилотлари тушунилади. Фуқаро Миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ёки адлия органларига ишга қабул қилинган ёки ўтказилган тақдирда ишга қабул қилинаётган шахсни (ходимни) доимий прописка қилиш тўғрисидаги илтимоснома (ишончилиги кафолатланган ҳолда) кўрсатиб ўтилган органлар раҳбарларининг ўринбосарлари томонидан ҳам имзоланиши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги ПҚ-694-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини турар жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ ҳарбий хизматчи хизмат қилаётган жойдан берилган турар жой олинганлиги тўғрисидаги маълумотнома;

прописка учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги қвитанция.

Ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади”.

5-банддаги “тўққизинчи, ўнинчи ва ўн биринчи хатбошида кўрсатилган ҳужжатлар” сўзлари “саккизинчи хатбошида кўрсатилган ҳужжат” сўзлари билан алмаштирилсин;

14-бандда:

ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Агар вақтинча турган жойи бўйича ҳисобда туриш учун мурожаат қилган фуқаро (оила аъзолари билан бирга) турар жой мулкдорининг (мулкдорларнинг) ёки ушбу турар жойда доимий яшаётган шахснинг яқин қариндоши бўлса, нотариал тасдиқланган турар жой ёхуд унинг бир қисмидан текин фойдаланиш шартномасининг нусхасини тақдим этиш талаб этилмайди. Ушбу ҳолатда вақтинча турган жойи бўйича ҳисобда туриш учун мурожаат қилган фуқаронинг ва турар жой мулкдорининг (мулкдорларнинг) ёхуд ушбу

турар жойда доимий яшаётган шахснинг қариндошлиги даражасини тасдиқлайдиган хужжатлар тақдим этилиши керак. Бунда вақтинча турган жойи бўйича ҳисобда туриш учун мурожаат қилган фуқаронинг оила аъзолари (эр, хотин, шунингдек, уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари, фарзандликка олинганлари) фуқаронинг оила аъзолари эканлигини тасдиқловчи хужжатларни тақдим қилишлари керак”;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“Агар вақтинча турган жойи бўйича ҳисобда туриш учун мурожаат қилган фуқаро Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятига республиканинг бошқа ҳудудларидан хизмат сафари, меҳнат таътили, малакасини ошириш, даволаниш муносабати билан келган бўлса, тасдиқловчи хужжатлар тақдим этилганда нотариал тасдиқланган турар жойнинг ёхуд унинг бир қисмининг ижара шартномасининг ёки турар жойдан ёхуд унинг бир қисмидан текин фойдаланиш шартномасининг нусхасини тақдим этиш талаб этилмайди”;

б) 2-иловада:

3-банднинг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“никоҳ тузилганлик, туғилганлик, ота-оналар вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликни тасдиқлайдиган хужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади)”;

8-банднинг тўртинчи – олтинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“уй-жой учун хужжатларнинг нусхалари;

уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

никоҳ тузилганлик, туғилганлик, ота-оналар вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларнинг, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликни тасдиқлайдиган хужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади)”;

15-бандда:

бешинчи хатбошидаги “нотариал тасдиқланган” сўзлари чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса”.

**34.** Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 мартдаги 89-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 3-сон, 20-модда) билан тасдиқланган Умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкогольли маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги Низомга 2-илованинг изоҳ қисмидаги иккинчи жумла чиқариб ташлансин.

**35.** Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги 101-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 4-сон, 23-модда) билан тасдиқланган Архив хужжатларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш ва архив хужжатларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 9-бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи – саккизинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи – еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**36.** Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 июндаги 171-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 6-сон, 40-модда) билан тасдиқланган Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги Низомга 11-иловада:

2-банд чиқариб ташлансин.

**37.** Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги 52-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 3-сон, 21-модда) билан тасдиқланган Истеъмолчиларнинг янги ва реконструкция қилинган электр қурилмаларини эксплуатация қилишга рухсат бериш тартиби тўғрисидаги Низомга 5-илованинг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Таркибида ЭТЛ фаолият кўрсатаётган истеъмолчи корхона ва ташкилот Устави (Низоми) (нусхаси олиниб, асли қайтарилди)”.

**38.** Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги 57-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 3-сон, 25-модда) билан тасдиқланган Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомда:

13-бандда:

“з” кичик бандидаги “нотариал тасдиқланган” сўзлари чиқариб ташлансин;

“к” кичик бандидаги “васиятноманинг нотариал тасдиқланган” сўзлари “нотариал тасдиқланган васиятноманинг” сўзлари билан алмаштирилсин;

43-банднинг бешинчи хатбошидаги “нотариал тасдиқлаган” сўзлари чиқариб ташлансин.

**39.** Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 майдаги 114-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 5-сон, 41-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг валюта маблағларини жалб этган ҳолда болалар спорти учун маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни янгидан куриш, реконструкция ва модернизация қилиш бўйича амалга ошириладиган лойиҳаларни тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 14-банди учинчи хатбошидаги “нотариал тасдиқланган” сўзлари чиқариб ташлансин.

**40.** Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 июндаги 156-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 6-сон, 62-модда) билан тасдиқланган Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ишлашга рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 9-бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи – олтинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи – бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**41.** Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 9 июлдаги 184-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 7-сон, 69-модда) билан тасдиқланган Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказиш, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги

Низом 96-бандининг еттинчи хатбошидаги “нотариал тасдиқланган” сўзлари чиқариб ташлансин.

**42.** Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 7-сон, 76-модда) билан тасдиқланган Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидалари 21-бандининг “в” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“в) оммавий тадбирнинг ташкилотчиси – жисмоний шахс учун – паспорт (шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат)нинг нусхаси”.

**43.** Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 августдаги 226-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 8-сон, 83-модда) билан тасдиқланган Парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 8-бандидаги “е” кичик банди чиқариб ташлансин.

**44.** Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 9-сон, 100-модда) билан тасдиқланган Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича мутахассис малака сертификати бериш тартиби тўғрисидаги Низомда:

11-бандда:

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) маълумоти тўғрисидаги диплом ёхуд фанлар номзоди ёки доктори илмий даражасини олганлик тўғрисидаги диплом ёхуд ҳужжатни берган муассаса томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

ёхуд хорижий давлатнинг таълим муассасасида олинган маълумот тўғрисидаги дипломнинг нусхаси ёхуд фанлар номзоди ёки доктори илмий даражасини олганлик тўғрисидаги дипломнинг нусхаси, шунингдек, маълумоти ёки илмий даражаси тўғрисидаги хорижий ҳужжатнинг нострификациялангани тўғрисида ваколатли давлат органи гувоҳномаси”;

саққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“д) махсус ўқувдан ва малака оширишдан ўтганлик тўғрисидаги ҳужжат ёки уни берган муассаса томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ўқув тугаган санадан бошлаб ҳужжатларни топширгунгача бўлган санагача бир йилдан ортиқ вақт ўтмаган бўлса ҳужжат ҳақиқий ҳисобланади)”;

ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар бир нусхада тақдим этилади. Ушбу банднинг “б” ва “д” кичик бандларида назарда тутилган ҳужжатлардан нусхалар олиниб, асли қайтариб берилади ҳамда ушбу бандда назарда тутилмаган қўшимча ҳужжатларнинг талаб қилинишига йўл қўйилмайди”;

38-банднинг “в” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“в) махсус ўқувдан ва малака оширишдан ўтганлик тўғрисидаги ҳужжат (нусхаси олиниб, асли қайтарилади) ёки уни берган муассаса томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (у агар ўқиш тугаган санадан бошлаб ҳужжатлар топширилган санагача бир йилдан кўп вақт ўтмаган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади)”.

**45.** Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 9-сон, 101-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида васийлик ва хомийлик тўғрисидаги Низомда:

80-бандда:

“д” кичик банди чиқариб ташлансин;

81-бандда:

“д” кичик банди чиқариб ташлансин.

**46.** Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2014 йил 6 октябрдаги 279-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 10-сон, 104-модда):

а) 1-илованинг 7-банди бешинчи хатбошидаги “нотариал тарзда тасдиқлатилган” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-илованинг 18-банди иккинчи хатбошидаги “нотариал тарзда тасдиқлатилган” сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 3-илованинг 9-банди иккинчи хатбошидаги “нотариал тарзда тасдиқлатилган” сўзлари чиқариб ташлансин.

**47.** Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 декабрдаги 341-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 12-сон, 122-модда) билан тасдиқланган Вояга етмаганлар учун мўлжалланган дори воситаларини реклама қилишга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 10-бандида:

“б” кичик банди чиқариб ташлансин.

**48.** Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 мартдаги 72-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 3-сон, 20-модда) билан тасдиқланган Темир йўл шохобча йўлларини қуриш ва реконструкция қилишда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 6-бандида:

“б” кичик банди чиқариб ташлансин.

**49.** Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 22 июндаги 166-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 6-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Кутқарув хизматлари ва кутқарув тузилмалари кутқарувчиларининг ҳаёти ва соғлиғини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги Низомнинг 24-бандида:

учинчи хатбошидан “нотариал тартибда тасдиқланган” сўзлари чиқариб ташлансин;

тўққизинчи хатбошидаги “нотариал тартибда тасдиқланган” сўзлари чиқариб ташлансин;

ўн еттинчи хатбошидаги “нотариал тартибда тасдиқланган” сўзлари чиқариб ташлансин.

**50.** Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 октябрдаги 292-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 10-сон, 92-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини Ўзбекистон Республикасида эътироф этиш тартиби тўғрисида Низомда:

11-банднинг иккинчи хатбошидаги “нотариус томонидан тасдиқланиши ёхуд” сўзлари чиқариб ташлансин;

21-банддаги “ёхуд нотариуснинг” сўзлари чиқариб ташлансин.

**51.** Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 мартдаги 70-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 3-сон, 17-модда) билан тасдиқланган Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 9-бандида:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи – еттинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи – олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**52.** Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 139-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 3-сон, 28-модда) билан тасдиқланган Ихтисослашган сўйиш корхоналарининг ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқлиги ҳақида ветеринария-санитария хулосаси бериш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 7-бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**53.** Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 619-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 8-сон, 170-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига турар жой сотиб олиш (қуриш) учун узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ҳамда яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш тартиби тўғрисидаги Низом 10-бандининг бешинчи хатбошидаги “нотариал тасдиқланган” сўзлари чиқариб ташлансин.